

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ОЛИМХОНОВА КОМИЛАХОН НАДИМУЛЛА ҚИЗИ

**СУРУНКАЛИ БУЙРАК КАСАЛЛИГИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА
ИММУНИТЕТ ПАРАМЕТРЛАРИ ВА ИЧАК МИКРОБИОТАСИДАГИ
ЎЗГАРИШЛАР**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Олимхонова Комилахон Надимулла қизи

Сурункали буйрак касаллиги бўлган беморларда
иммунитет параметрлари ва ичак
микробиотасидаги ўзгаришлар.....

3

Олимхонова Комилахон Надимулла қизи

Изменение параметров иммунитета и
микробиоты кишечника у больных с
хронической болезнью почек.....

29

Olimkhonova Komilakhon Nadimulla qizi

Changes in the parameters of immunity
and intestinal microbiota in patients with
chronic kidney disease.....

55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

59

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ОЛИМХОНОВА КОМИЛАХОН НАДИМУЛЛА ҚИЗИ

**СУРУНКАЛИ БУЙРАК КАСАЛЛИГИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА
ИММУНИТЕТ ПАРАМЕТРЛАРИ ВА ИЧАК МИКРОБИОТАСИДАГИ
ЎЗГАРИШЛАР**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Tib1327 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Эгамбердиева Дано Абдисаматовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Даминова Лола Турғунпўлатовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Собирова Гўзал Наимовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етақчи ташкилот:

Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини
ривожлантириш маркази

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «11» январ соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тошкент тиббиёт академияси 1-ўқув биноси Мажлислар зали. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru.)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (818 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2021 йил «28» декабрь куни тарқатилди.
(2021 йил «28» декабрь даги 15 рақамли реестр баённомаси).



А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори,
доцент

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда сўнгги йилларда амалга оширилган тадқиқотлар ичакнинг ўзгарган микроблар ҳолати метаболик касалликлар билан боғлиқ бўлиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Хусусан, ичак микроблари мувозанати бузилиши ва ҳалокатли тўртлик – юрак-қон томир ҳодисалари, инсулинрезистентлик, семизлик ва дислипидемия ўртасидаги ўзаро боғлиқлик тобора эътиборни тортмоқда. Сўнгги маълумотларга кўра, «...микроб генлари миқдорининг одам геномларидан камида 150 баробар кўплиги сўнгги йилларнинг инқилобий янгилиги бўлди...»¹ Ушбу микроблар ўз хўжайинига, асосан, метаболик йўллар орқали таъсир кўрсатади. СБК чалинган беморларда иммунитет кўрсаткичларини аниқлаш, ичак микроблар ҳолатини ўзгаришини кузатиб бориш, даволаш самарадорлигини баҳолаш усулларини такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Жахонда бир қатор олимлар томонидан СБК билан оғриган беморларда микроблар ҳолатини меъёрлаштириш учун тавсия қилиниши мумкин бўлган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. перитонеал диализ ва гемодиализдаги беморларда ичак микроблар липополисахаридлари ва С-реактив оқсил ўртасида ўзаро ижобий боғлиқликларни асослаш; СБК билан оғриган беморларда тизимли яллиғланишларни чақириши мумкин бўлган бактериал маҳсулотлар билан туғма иммунитет фаоллигини баҳолаш; СБК ва юрак-қон томир касалликлари билан боғлиқ бўлган яллиғланишнинг кучсизланишида про- ёки пребиотикларнинг потенциал самарадорлигини аниқлаш усулларини такомиллаштириш бугунги кунда алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини тубдан яхшилаш ва турларини сезиларли кенгайтириш бўйича кенг қўламли мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизматини ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларнинг олдини олиш...»² га қаратилган муҳим вазифалар қўйилди. Ушбу вазифаларни амалга оширишда СБК олдини олиш, эрта ташхислаш ва даволаш самарадорлигини ошириш, замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш, замонавий технологияларни қўллаш усулларини такомиллаштириш орқали касаллик асоратларини камайтириш муҳим аҳамият касб этади.

¹ Adnan, S.; Nelson, J.W.; Ajami, N.J.; Venna, V.R.; Petrosino, J.F.; Bryan, R.M., Jr.; Durgan, D.J. Alterations in the gut microbiota can elicit hypertension in rats. *Physiol. Genomics* 2017, 49, 96–104.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 12 июндаги ПҚ–3052-сон «Соғлиқни сақлаш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, ПҚ–3846-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижлик олимлар томонидан олиб борилган илмий изланишлар натижалари гормонал, яллиғланиш, озик-овқат ва метаболик омиллар СБК патогенези ва зўрайишида ҳал қилувчи роль ўйнаши мумкинлигини кўрсатди (Den Besten et al., 2013). Микроблар ўз хўжайинига, асосан, энергия тўпланиши ва қисқа занжирли ёғ кислоталари (КЗЁК) ҳамда витаминлар ишлаб чиқарилишининг метаболик йўлларга кўп томонлама таъсир кўрсатади (Walther B., Karl J.P., Booth S.L., Voyaval P. Menaquinones, 2013). Бироқ метаболик бузилишлар мавжудлигига боғлиқ ҳолда микробларнинг таксономик бирликлари нисбати етарлича ўрганилмасдан қолмоқда.

Қатор тадқиқотларда тизимли сурункали яллиғланиш ҳолатларининг кўплаб сурункали касалликларга нисбатан патогенлик роли тасдиқланган (Cress B.F. et al., 2014; Desai M.S. et al., 2016). Яқинда метафламмация деб номланган янги парадигма пайдо бўлди ва унинг турли сурункали касалликлар, жумладан, СБКда ҳам муҳим аҳамиятга эгаллиги тахмин қилинмоқда. Шунга қарамасдан ҳимоя яллиғланиш ҳолати узок муддатларда тўқималарнинг янада шикастланишини юзага келтириши туфайли нохуш ҳолат бўлиши мумкин (Magaј M. et al., 2018). Ўзгарган микроблар ҳолати яллиғланиш ва у билан боғлиқ иммунологик силжишлар ривожланишида қандай роль ўйнаши мумкинлиги кўплаб мунозараларга сабаб бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда СБК ташхислаш ва даволаш жаҳон стандартлари бўйича амалга оширилмоқда. Бу борада Республикамиз олимлари Б.Т. Даминов, М.А. Сабиоров, Д.А. Эгамбердиевалар томонидан касалликни эрта ташхислаш ва асоратларини олдини олишга қаратилган бир қатор изланишлар олиб борилмоқда.

Сўнгги йилларда даволаш самарадорлигини аниқлаш мақсадида ичак микроблар ҳолатини тиклашга йўналтирилган қатор тадқиқотлар амалга

оширилган. Бу соҳага бўлган катта қизиқишлар микроб мувозанатини барқарорлаштиришнинг муҳимлиги, шу билан бир қаторда, барча одамларга бирдек мос келувчи препаратнинг мавжуд эмаслигини тасдиқламоқда. Тадқиқотларда фойдаланилган терапевтик стратегиялар маълум чегараларга эга бўлса ҳам, аммо янги препаратлар истиқболли натижаларни кўрсатмоқда (Kirkup V.M., et al., 2019).

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг 01980006703 рақамли «Сурункали касалликларни замонавий ташхислаш ва даволаш самарадорлигини оширишнинг истиқболли йўллари ишлаб чиқиш» (2019–2021) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Сурункали буйрак касаллиги С2–С4 босқичлари бўлган беморларда ичак микроблар таркибини аниқлаш, даволашнинг турли схемаларини қўллаш орқали клиник кўринишлар динамикаси, тизимли яллиғланиш кўрсаткичларининг ўзига хос хусусиятлари, иммунитет ҳолатини баҳолашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

СБКнинг С2–С4 босқичлари бўлган беморларда клиник кўринишларни ҳисобга олган ҳолда, метаболик бузилишлар мавжудлигига кўра микробларнинг асосий таксономик бирликлари нисбатини аниқлаш билан ичак микроблар ҳолатини тавсифлаш;

метаболик бузилишлар спектрида СБКнинг диализгача бўлган босқичларидаги беморларда уремик интоксикация билан боғлиқ ичак микроблар ҳолати бузилишларини белгилаш;

СБКнинг диализгача бўлган босқичларидаги беморларда анъанавий бактериологик текширишлар натижалари ва замонавий диагностика усуллари (МАЛДИ-ТОФ масспектрометрияси) асосида ичак микроблар таркибининг қиёсий таҳлилини ўтказиш;

метаболик синдромли/синдромсиз СБКнинг С2–С4 босқичлари бўлган беморларда ичак микроблар таркиби ва тизимли яллиғланиш маркерлари ўртасидаги боғлиқликни баҳолаш;

метаболик синдромли/синдромсиз СБКнинг С2–С4 босқичлари бўлган беморларда ичак микроблар таркиби ва иммун бузилишлар даражаси ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш;

СБКнинг С2–С4 босқичлари бўлган беморларда энтеросорбент (энтеросгель) қўлланганда клиник симптомлар динамикаси, иммунитет ҳолати кўрсаткичларининг ўзига хос хусусиятлари, ичак микроблар табиатини баҳолаш.

Тадқиқот объекти сифатида Республика терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказида кўриқдан ўтказилган ва турли генезли нефропатиялар натижасида СБК билан даволанган 120 нафар бемор олинган, 34 дан 70 ёшгача.

Тадқиқотнинг предмети сифатида қондаги глюкоза, Нвс1, КФТ, альбуминурия, липид профили, тизимли яллиғланиш маркерлари [С-реактив оқсил (СРО), фибриноген, лейкоцитлар, интерлейкин – 6, интерлейкин-1,

эритроцитлар чўкиш тезлиги (ЭЧТ)], нажаснинг бактериологик текшируви ва унинг масспектрометрияси олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда биокимёвий, бактериологик, масспектрометрик, ультратовуш, статистик усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сурункали буйрак касаллиги билан оғриган беморлар ичак микроблар ҳолатини комплекс таҳлили асосида метаболик синдром мавжудлиги аниқ таксонлар нисбий миқдорининг ошиши ва симбиотик штаммлар сонининг ўзгариши билан боғлиқлиги аниқланган;

сурункали буйрак касаллиги билан оғриган беморларда дисбактериоз даражаси ва интерлейкин-6, интерлейкин-10 каби яллиғланиш цитокинлари орасида корреляцион алоқа мавжудлиги аниқланган;

сурункали буйрак касаллиги билан оғриган беморларда метаболик синдромнинг мавжудлиги ичак микробиотаси таркибидаги ўзгаришлар билан бирга келган тизимли яллиғланиш билан боғлиқлиги аниқланган;

диализгача бўлган босқичдаги сурункали буйрак касаллиги билан оғриган беморларда касалликнинг клиник манзараси, шунингдек, ичак микроблар таркибига энтеросорбциянинг ижобий таъсир кўрсатиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

СБК метаболик синдром билан кечган MALDI-TOF масспектрометрия ёрдамида ичак микроблар таркибини синчковлик билан таҳлил қилиш керак. Бунда метаболик бузилишларни ҳисобга олган ҳолда микробларнинг асосий таксономик бирликлари нисбатини аниқланиши лозим.

Диализдан олдинги СБК босқичлари бўлган беморларни даволаш усуллари муқобиллаштириш учун энтеросорбент энтеросгелдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, бу нафақат касалликнинг клиник кўринишини, балки тизимли яллиғланиш белгилари ва ичак микроблар таркибини яхшилашга олиб келади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, биокимёвий, бактериологик, масспектрометрик, ультратовуш, статистик тадқиқот усуллари асосланганлиги, шунингдек, олинган тадқиқот натижалар ҳамда хулосаларни халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, уларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган. Статистик усулларнинг қўлланилиши олинган натижаларнинг ишончилигини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар ичак микроблар ҳолатини баҳолашнинг объектив усули сифатида MALDI-TOF-масспектрометриядан фойдаланиш тавсия қилинган. СБК кечишида оғирлаштирувчи омиллар сифатида нафақат буйрак функциясининг бузилиши, балки метаболик синдромнинг таркибий қисмлари, шунингдек, ичак дисбиози билан боғлиқ бўлган тизимли яллиғланиш аҳамиятга эга.

Ишнинг амалий аҳамияти шундаки, СБК билан оғриган беморларда метаболик касалликлар мавжудлигига қараб, ичак микроблар бузилиш даражасини, тизимли секин яллиғланиш белгилари ва иммунологик ўзгаришларни аниқлашга имкон беради, бу эса бирламчи тиббий-санитария ёрдами даражасида ташхисий қидирувни муқобиллаштиради.

Диализдан олдинги босқичлардаги СБК билан оғриган беморларда баъзи метаболик бузилишлар ва ичак дисбиозини даволаш учун энтеросгель препаратини перорал қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сурункали буйрак касаллиги бўлган беморларда иммунитет кўрсаткичлари ва ичак микроблар ҳолатини ўзгаришини ташхислаш ва даволаш тактикасини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

сурункали буйрак касаллиги билан оғриган беморларда ичак микробиотасини ташхислаш усуллари бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Сурункали буйрак касаллигида ичак микробиотасини ташхислаш усуллари» номли услубий тавсиянома тасдиқланган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 22-октябрдаги 8 н-з/370-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома сурункали буйрак касаллигининг терминал босқичига ривожланишида бузилган ичак микробиотасининг ўрнини баҳолаш, шунингдек касалликнинг ривожланишини секинлаштириш учун самарали чоралар кўриш имконини берган;

сурункали буйрак касаллиги бўлган беморларда даволаш тамойилларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Сурункали буйрак касаллигида энтеросорбцияни қўллаш усуллари» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 22-октябрдаги 8 н-з/370-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома сурункали буйрак касаллигидаги уремик интоксикацияни кучайтиришга олиб келадиган омилларни аниқлаш, шунингдек, энтеросорбциянинг замонавий усуллари ёрдамида даволаш самарадорлигини 41,3% га ошириш имконини берган;

сурункали буйрак касаллиги бўлган беморларда иммунитет кўрсаткичлари ва ичак микроблар ўзгариши ташхислаш ва даволаш тамойилларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент вилояти Бўка тумани марказий шифохонаси, Оққўрғон тумани марказий шифохонаси амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 6-декабрдаги 08-09/19182-сон маълумотномаси). Олиб борилган тадқиқот натижалари асосида сурункали буйрак касаллиги бўлган беморларда метаболик ўзгаришлар мавжудлигига қараб ичак микробиотасининг бузилиш даражасини аниқлаш, тизимли суст яллиғланиш ва иммунологик ўзгаришларни аниқлаш орқали сурункали буйрак касаллиги билан оғриган беморларда ташхислаш жараёнини оптималлаштиришга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 илмий иш чоп этилган, улардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Янги эндоген "орган" сифатида ичак микроблар ҳолати ва унинг сурункали буйрак касаллигидаги ҳолати**» деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий адабиётлар маълумотлари таҳлили асосида муаммонинг бугунги кундаги ҳолати батафсил таҳлил қилинган. СБК билан оғриган беморларда ичак микроблар ҳолати, симбиотикнинг фойдалари ва метаболик яллиғланиш маркерларининг роли тавсифланган, ичак микроблар функцияси дисбаланси ва энтеротип «буйракларлар – ичак микроблар ҳолати» ўқининг патогенетик ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар ҳақидаги илмий-назарий маълумотлар келтирилган, ташхислаш ва терапевтик ёндашувлар муҳокама қилинган, шунингдек, мазкур муаммонинг ўз ечимини топмаган ва аниқлаштиришни талаб этадиган томонлари белгиланган.

Диссертациянинг «**Сурункали буйрак касаллиги билан оғриган беморларда ичак микробиотаси ва иммунологик мақомни ўрганишнинг замонавий усуллари (материаллар ва усуллар)**» деб номланган иккинчи бобида барча беморларда ўтказилган қондаги глюкоза миқдори, Нбс1, КФТ, албуминурия, липид профили, тизимли яллиғланиш белгилари (СРО, фибриноген, лейкоцитлар, IL– 6, IL – 10, ЭЧТ) текширишларидан олинган натижалар келтирилган. Шунингдек, умумклиник текширишлардан ташқари тадқиқотнинг микробиологик усуллари ҳам батафсил ёритилган. Микроорганизмларни идентификациялашнинг «олтин стандарти» – «уй хўжалиги» генларининг нуклеотидлар кетма-кетлигини таҳлил қилиш гарчи 2008 йилдан бошлаб клиник амалиётга жорий этилган бўлса-да, аммо айни пайтга қадар мамлакатимизда кенг тарқалмаган. Шунингдек, масс-спектрометриянинг (MALDI-TOF MS) матрицали-фаоллашган лазер десорбцияси/ионизацияси билан парвоз вақти ривожланиши клиник

микробиологик лабораторияларда микроорганизмларни рутинли идентификациялашга бўлган ёндашувларни тубдан ўзгартирди. Юқори ишлаб чиқарувчанлик ва иқтисодий харажатларнинг қуйи даражаси уни лаборатор биокимёвий ва бактериологик идентификацион тизимлар учун истиқболли муқобил стандартга айлантди. Қайта фойдаланиш мумкин бўлган пластиналар мавжуд бўлганда сарфланадиган материаллар ва реагентларнинг жуда кам сарфланиши MALDI-TOF масспектрометрия технологиясини фенотипик ташхисий тамойилларда ишловчи анъанавий автоматик бактериологик анализаторлар билан таққосланганда нафақат иқтисодий жиҳатдан асосли, балки экологик жиҳатдан ҳам хавфсиз ҳисобланади.

Шундай қилиб, ушбу тадқиқотни амалга ошириш давомида MALDI-TOF масспектрометрияси ёрдамида клиник аҳамиятга эга микроорганизмлар идентификацияси ўтказилди. Бунда микроорганизмларнинг фенотипик хусусиятларига асосланган анъанавий бактериологик текширишлар ҳамда масс-спектрометрик тизим самарадорлиги таққосланди.

Шифохонага ётқизилган кейинги биринчи кунда олинган қон зардоби намуналаридаги IL – 10, IL – 6 даражаси иммунофермент таҳлил усулида текширилди («Вектор-Бест» жамланмаси, Россия). Тизимли яллиғланиш маркерлари лейкоцитлар ($>11 \times 10^9/\text{л}$), С-реактив оқсил ($>5,0$ мг/л) даражасининг ошиши иммунотурбодиметрик, шунингдек, фибриноген ($>4,0$ г/л), IL – 6 даражаси иммунофермент усулида текшириш орқали баҳоланди.

Беморлар икки гуруҳга бўлиндилар: биринчи гуруҳга СБК ва метаболик синдром бўлган беморлар, иккинчи гуруҳга – метаболик синдромсиз СБКга чалинган беморлар киритилди. СБКга чалинган беморларнинг кўрсаткичлари (метаболик синдромнинг мавжудлиги ва йўқлигига кўра) бир-бири билан ўзаро таққосланди.

Шундан кейин СБКнинг С2–С4 босқичларида беморларда энтеросорбент (энтеросгель) қўллангандан кейинги клиник симптомлар ўрганилди. Даволаш схемасига биринчи кундан бошлаб кунда 3 маҳал овқатланишдан ёки овқат ва дори-дармонлар қабулидан кейин 1,5–2 соат ўтгач 15 г дан энтеросгель тавсия этилди. Тадқиқотнинг 12-кунида стандарт терапиядан ташқари энтеросгелни қабул қилган беморлар гуруҳида барча белгилар шкала бўйича баҳоланди.

Олинган маълумотларга Microsoft Excel 2019 ва STATISTICA_23 компютер дастурлари ёрдамида қайта ишлов берилди. Миқдорий кўрсаткичлар фарқининг ишончилиги боғлиқ бўлмаган диапазонлар Вилкоксон усули бўйича аниқланди, сифатли аҳамиятлар учун Фишер–Ирвиннинг аниқ мезонларидан фойдаланилди. Гуруҳлар ўртасидаги фарқлар $p < 0,05$ бўлганда статистик аҳамиятли ҳисобланди, корреляцион таҳлил Спирменнинг ранг корреляцияси параметрик бўлмаган усулидан фойдаланиб амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Гуруҳларнинг клиник-анамнестик хусусияти, метаболик синдром компонентлари таҳлили ва уларнинг ичак дисбиози билан боғлиқлиги**» деб номланган учинчи бобида СБКнинг асосий хавф омиллари, шунингдек, текширилган беморларда коморбид фон, ёш, жинс, ортиқча вазн, жумладан, семизлик (ТВИ >25 кг/м²; ЖССТ, 2000), артериал

гипертензия (АГ), углевод алмашинувининг бузилиши, гиперхолестеринемия (умумий холестерин >5,0 ммол/л), тизимли яллиғланиш мавжудлиги, ностероид яллиғланишга қарши препаратлар (НСЯҚП)нинг узок муддатли қабули каби метаболик синдром компонентларининг мавжудлиги тахлил қилиниб, олинган натижалар батафсил баён этилган.

Умуман олганда, метаболик синдромли ва синдромсиз СБКга чалинган беморларнинг шикоятлари аксарият ҳолларда жуда хилма-хил ва шу билан бирга носпецифик бўлди. Таққосланаётган гуруҳлардаги беморларнинг шикоятлари асаб ва юрак-қон томир тизими томонидан аксарият кўрсаткичлар бўйича фарқланмади. Булар, асосан, яққол ҳолсизлик, бош оғриғи, бош (қулоқлар)даги шовқин, уйқунинг бузилиши, оғизнинг қуриши, кўнгил айнаши ва толиқишдан иборат эди. Шу билан бирга метаболик синдромли СБКга чалинган беморларнинг аксарияти (ўртача 70 фоизи) беқарор артериал босим (АБ) кўрсаткичларидан шикоят қилдилар. Биринчи ва иккинчи гуруҳлардаги беморларнинг тахминан ярмини бош оғриғи (42–52%, ўртача 47%) безовта қилди, ўрганилган беморларнинг тўртдан бир қисми бош ёки қулоқдаги шовқиндан (24–32%, ўртача 27%), учдан бир қисми – бош айланиши (25,6–37,2%, ўртача 32,1%) ва кўкракдаги оғриқ (24,4–30,1%, ўртача 27,1%) безовта қилишини қайд этдилар.

1-жадвал

Сурункали буйрак касаллиги билан текширилган беморларнинг шикоятлари

Шикоятлар	Метаболик синдромсиз (n=58)	Метаболик синдромли (n=62)
Ҳолсизлик	23 (39,7±6,5)	33 (53,2±6,4)*
Бош оғриғи	25 (43,1±6,6)	32 (51,6±6,4)
Жисмоний юкламада ҳансираш	26 (44,8±6,6)	37 (59,7±6,3)*
Юракнинг нотекис уриши	18 (31±6,1)	13 (21±5,2)
Бош ва қулоқда шовқин	15 (25,9±5,8)	20 (32,3±6)
Ухлашнинг қийинлиги	17 (29,3±6)	22 (35,5±6,1)
Эрта уйғониш	17 (29,3±6)	13 (21±5,2)
Кун давомида уйқучанлик	17 (29,3±6)	12 (19,4±5,1)
Уйқусизлик	6 (10,3±4)	8 (12,9±4,3)
Кўнгил айнаши	20 (34,5±6,3)	9 (14,5±4,5)**
Юрак уриб кетиши	21 (36,2±6,4)	19 (30,6±5,9)
Тез чарчаш	23 (39,7±6,5)	25 (40,3±6,3)
Кўркув	5 (8,6±3,7)	10 (16,1±4,7)
Оғиз қуриши	28 (48,3±6,6)	32 (51,6±6,4)
Беқарор қон босими	20 (34,5±6,3)	43 (69,4±5,9)***

Изоҳ: * – p<0,05, ** – p<0,01, *** – p<0,001 МС бўлмаган гуруҳга нисбатан статистик аҳамиятли.

Метаболик синдромли СБКга чалинган беморларнинг қарийб 40 фоизи юрак уриши (41,7%) ва тез толиқишдан (44,9%) шикоят билдирдилар. Юракнинг нотекис уришидан қилинган шикоятлар гуруҳлар ўртасида таққосланар даражада бўлди (21,4–32,2%, ўртача 28,2%).

Қуйидаги шикоятлар бўйича метаболик синдромсиз гуруҳ беморларига нисбатан статистик аҳамиятли фарқлар кузатилди: кўнгил айнаши (мос ҳолда 35 ва 14%), кўркув (мос ҳолда 8 ва 16%), беқарор АБ (мос ҳолда 34 ва 70%).

Олинган натижалар таҳлили асосида метаболик синдромли беморларда ҳам, метаболик синдромсиз СБК билан оғриган беморларда ҳам турли аъзо ва тизимлар томонидан бузилишларни тавсифловчи турли-туман шикоятлар мавжудлиги тўғрисида хулосага келинди. Бундан ташқари, 1-жадвалда келтирилган метаболик синдромли беморларнинг кўплаб шикоятларини ҳам астеник характерли синдромкомплекснинг соматик манифестацияси сифатида баҳолаш мумкин.

2-жадвал

Метаболик синдромли/синдромсиз СБКга чалинган беморларнинг ёши ва жинси

Жинси	Ёши				Жами
	29–39	40–49	50–59	60–70	
Эркаklar	12 (10±2,8)	16 (13,3±3,1)	12 (10±2,8)	10 (8,3±2,5)	12 (10±2,8)
Аёллар	20 (16,7±3,4)*	14 (11,7±2,9)	17 (14,2±3,2)	19 (15,8±3,3)*	20 (16,7±3,4)*

Изоҳ: * – $p < 0,05$ эркаklar гуруҳига нисбатан статистик аҳамиятли.

Беморларнинг мутлақ катта қисми (54,8%)да ТВИ 25 кг/м² дан ортик бўлди. 52% беморлар анамнезида ўткир миокард инфаркти билан АГнинг биргаликда келиши қайд этилди. Уларнинг 51% ида – турли функционал синфдаги стенокардия, 52% ида – ўткир миокард инфаркти, 78% ида – артериал гипертензия аниқланди.

Шунингдек, беморларнинг ўртача ёши 49,7±0,6 ташкил этди. Эркаklar сони – 42%, ўртача ёш – 48,8±1,0, аёллар – 50,3±0,8 ёшда ($p < 0,05$) эдилар (2-жадвал).

Метаболик синдромнинг мавжудлиги ёки йўқлиги бўйича текширилган беморларда клиник хусусиятлар ва коморбид касалликлар 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

СБК бўлган беморларнинг клиник хусусиятлари ва коморбид патологияси

Кўрсаткичлар	Метаболик синдромсиз (n=58)	Метаболик синдром билан (n=62)
Ёш (йил)	49,7±0,6	47,7±0,6
Вазн (кг)	82,0	85,0
Метаболик синдром давомийлиги, йил	-	5,5±2,6
Қандли диабетнинг 2-тури	15 (25,9±5,8)	18 (31±6,1)
Ўткир миокард инфаркти	30 (51,7±6,6)	35 (60,3±6,5)
Ўпканинг сурункали обструктив касаллиги	2 (3,4±2,4)	3 (5,2±2,9)
Анамнезида бош мия қон айланиши ўткир бузилиши	14 (24,1±5,7)	19 (32,8±6,2)
Сурункали юрак етишмовчилиги	15 (25,9±5,8)	21 (36,2±6,4)
Ноалкогол жигар ёғ касаллиги	33 (56,9±6,6)	54 (93,1±3,4)
Гастроэзофагиал рефлюкс касаллиги	35 (60,3±6,5)	41 (70,7±6)
Камқонлик ≤110 г/л	11 (19±5,2)	12 (20,7±5,4)
Бўлмачалар фибрилляцияси	9 (15,5±4,8)	10 (17,2±5)

Тадқиқотда олинган маълумотлар таҳлил қилинганда метаболик синдром давомийлиги ўртача $5,5 \pm 2,6$ ни ташкил этганлигини кўриш мумкин. Танланган гуруҳлар жигарнинг алкоғолсиз ёғ касаллиги ҳолати бўйича статистик аҳамиятнинг юқори даражасида фарқланади. Жигарнинг алкоғолсиз ёғ касаллиги метаболик синдромли беморлар гуруҳига нисбатан (деярли барча респондентларда, 87% беморлар) метаболик синдромсиз беморлар гуруҳида анча кам учради (47%).

Шундай қилиб, метаболик синдромли ва синдромсиз гуруҳдаги беморлар гастроэзофағиал рефлюкс касаллиги ва артериал гипертензияга нисбатан статистик аҳамиятнинг юқори даражасида фарқланди. Гастроэзофағиал рефлюкс касаллиги, асосан, метаболик синдромли СБКга чалинган беморларда (66%), камдан-кам ҳолатда эса метаболик синдромсиз СБК билан оғриган беморларда (48%) учради.

Тадқиқотни амалга ошириш давомида олинган маълумотларга асосланган ҳолда хулоса қилиш мумкинки, ҳар иккала гуруҳ беморлар ТВИ, қорин айланаси каби кўрсаткичларга кўра ишончли фарқланади. Барча кўрсаткичлар орасида энг юқори аҳамиятлар метаболик синдромли СБКга чалинган беморлар гуруҳида ҳамда энг паст аҳамиятлар метаболик синдромсиз СБК билан оғриган беморлар гуруҳида кузатилди. Артериал гипертензия метаболик синдромнинг таркибий қисмларидан бири сифатида 65,8% ни ташкил этди. АГнинг энг катта сони СБКнинг С3 ва СБКнинг С4 босқичлари бўлган беморлар гуруҳида қайд этилди (78,7%). Бу СБКнинг С2 ва С3 босқичларига нисбатан ишончли юқори бўлди. Эркақларда артериал гипертензия аёлларга нисбатан ишончли кўп учради (мос ҳолда 95,0% ва 85,0%; $\chi^2=35,95$, $p<0,05$). АГ ва СБКнинг оғирлик даражалари ўртасида тўғри мусбат корреляция қайд этилди ($r=0,387$, $p=0,03$).

СБК билан оғриган беморларда 17,9% ҳолатда гипергликемия аниқланди. СБКнинг С2, С3 босқичлари бўлган беморлар гуруҳида максимал ўртача глюкоза даражаси ($7,5 \pm 2,3$ ммол/л) қайд этилган. С2 босқичидаги беморларга нисбатан СБКнинг С3 ва С4 босқичларидагиларда қандли диабет ва глюкозага толерантликнинг бузилиш частотаси ишончли юқори бўлди (20,3% қарши 8,6% га; $\chi^2=7,31$, $p=0,02$).

СБКнинг С2 ва С3 босқичларидаги беморларда ортиқча тана вазни таққосланадиган сони қайд этилди (мос ҳолда 13,4% қарши 17,7% га; $\chi^2=0,98$, $p<0,05$).


4-жадвал

Текширилган гуруҳларда ТВИ кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	СБК метаболик синдромсиз n=58	СБК метаболик синдромли n=62
ТВИ, кг/м ² (M±SD)	25±0,6	29,8±5,3***
<18,5	5 (8,6±3,7)	0 (0±0)
18,5–24,9	25 (43,1±6,6)	11 (17,7±4,9)
25,0–29,9 (мутлак)	21 (36,2±6,4)	24 (38,7±6,2)
>30,0	7 (12,1±4,3)	27 (43,5±6,3)

Шундай қилиб, СБКнинг оғирлик даражаси ортиши билан нутритив мақом ҳолати дастлабки босқичларда семизликка ва олдинга силжиган босқичларида унинг етишмаслигига қараб ўзгарганлиги қайд этилди.

Текширилган беморларда КФТнинг ўртача кўрсаткичи 1,73 м² тана сатҳига 79,3±9,4 мл/дақиқани ташкил этди. (1-расм).



1-расм. СБК босқичлари бўйича беморлар гуруҳлари.

СБКда метаболик синдром таркибий қисмлари тузилиши ва сони 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал


СБК билан оғриган беморларнинг 2-гуруҳида метаболик синдром таркиби ва сони (n=62)

СБКда метаболик синдром таркибий қисмлари	СБК С2	СБК С3а	СБК С3б	СБК С4
ТВИ>25,0, кг/м ² (мутлак/%)	18 (26,5±5,4)	12 (41,4±9,3)*	9 (52,9±12,5)**	2 (33,3±21,1)
Қандли диабет, глюкозага толерантликни бузилиши (абс/%)	10 (14,7±4,3)	5 (17,2±7,1)	3 (17,6±9,5)	5 (83,3±16,7)*
АГ I–III (мутлак/%)	43 (63,2±5,9)	22 (75,9±8,1)	15 (88,2±8,1)	6 (100±0)*
Гиперхолестеринемия (мутлак /%)	40 (58,8±6)	24 (82,8±7,1)*	13 (76,5±10,6)	4 (66,7±21,1)

Изоҳ: * – p<0,05, ** – p <0,01, *** – p<0,001 СБКнинг С2 стадияси билан оғриган беморлар гуруҳига нисбатан статистик аҳамиятли.

Метаболик синдром таркибий қисмлари мавжудлиги таҳлил қилинганда куйидаги натижалар олинди: СБК хавф омиллари таркибида 75% ҳолатда гиперхолестеринемия кузатилди. Эракк жинсидаги шахслар орасида гиперхолестеринемия СБКнинг С3 ва С4 босқичларидаги беморларда ишончли кўп учради ($\chi^2=13,65$, p<0,05; $\chi^2=22,49$, p<0,05); аёлларда статистик аҳамиятли фарқлар аниқланмади. Умумий холестериннинг ўртача даражаси

5,9±1,2 ммол/л ни ташкил этди. Умумий холестерин кўрсаткичлари беморларнинг ёши ($r=+0,41$, $p<0,05$) ҳамда СБКнинг оғирлик даражаси ($r=+0,38$, $p<0,05$) ўртасида ўртача даражадаги мусбат корреляция аниқланди.



2-расм. СБКнинг иккинчи гуруҳидаги беморларда метаболик синдром таркиби ва сони.

Тадқиқот гуруҳларида метаболик синдром мавжудлиги/йўқлиги билан СБКга чалинган беморлар умумий ва биокимёвий қон таҳлилларининг ўрганилган кўрсаткичлари таҳлил қилинганда аниқланган қонуниятлар б-жадвалда келтирилган.

6-жадвал

Метаболик синдромли ва ичак дисбиози бўлган беморлар ва назорат гуруҳида қоннинг клиник таҳлили кўрсаткичлари ($M \pm m$)

Кўрсаткичлар	Метаболик синдромсиз СБК билан оғриган беморлар (n=58)	Метаболик синдромли СБК билан оғриган беморлар (n=62)
Лейкоцитлар, $\times 10^9/\text{л}$	5,39±0,09	7,02±0,13***
Лимфоцитлар, %	31,1±0,6	35,9±0,6***
Моноцитлар, %	6,83±0,14	8,05±0,14***
Нейтрофиллар, %	44±0,9	52,4±0,8***
Эозинофиллар, %	3,03±0,06	3,74±0,07***
Базофиллар, %	0,44±0,01	0,41±0,01**
ЭЧТ, мм/ч	7,06±0,12	13,65±0,27***

Изоҳ: * – $p<0,05$, ** – $p<0,01$, *** – $p<0,001$ метаболик синдромсиз беморлар гуруҳга нисбатан статистик аҳамиятли.

Тадқиқотни амалга ошириш давомида олинган натижалар асосида хулоса қилиш мумкинки, тадқиқот гуруҳлари қоннинг клиник таҳлили кўрсаткичлари бўйича ишончли фаркланади ($p<0,05$). Метаболик синдромсиз СБК билан оғриган беморлар гуруҳида эритроцитлар миқдори ўртача $4,5 \times 10^{12}/\text{л}$ ни ташкил қилди ҳамда метаболик синдромли СБКга чалинган беморлар

гуруҳида уларнинг миқдори сезиларли даражада паст бўлди (ўртача $4,0 \times 10^{12}/л$ ни ташкил этди).

Гемоглобин миқдори метаболик синдромли СБКга чалинган беморларга нисбатан (ўртача 127,0 г/л) метаболик синдромсиз СБК билан оғриган беморлар гуруҳида биров юқори бўлди (ўртача, 138,0 г/л). Таъкидлаш жоизки, СБК ва метаболик синдромли беморлар гуруҳида 87,0 г/л ва ундан юқори гемоглобин кўрсаткичларининг катта фарқлари кузатилди.

Диссертациянинг «Сурункали буйрак касаллигининг С2–С4 босқичлари бўлган беморларда ичак микробиотаси таркиби, тизимли яллиғланиш маркерлари ва иммун бузилишлар даражаси» деб номланган тўртинчи бобида тадқиқот гуруҳларининг барчасида СРО даражаси юқори бўлди, бу кўрсаткич СБК ва метаболик синдромли беморлар гуруҳида устунлик қилди ва 18 мг/л аҳамиятдан ошмади, ушбу ҳолатни бундай тоифадаги беморларда нохуш кардиометаболик башорат мавжудлиги ҳақидаги адабиёт маълумотлари билан солиштириш мумкин. Дастлабки босқичда фибриноген метаболик синдромсиз СБК билан оғриган беморларнинг 82% ида ҳамда СБК ва метаболик синдромли беморларнинг 88% ида юқори бўлди.

7-жадвал

Метаболик синдром ва йўғон ичак дисбиози билан СБКга чалинган беморларда сурункали тизимли яллиғланишнинг бошланғич маркерлари


СТЯ кўрсаткичлари	Метаболик синдромсиз СБК бўлган беморлар n=58	Метаболик синдромли СБК бўлган беморлар n=62
Фибриноген, г/л	4,91±0,11	4,8±0,09
С-реактив оқсил, мг/л	15,9±0,3	14,8±0,3**

Изоҳ: * – $p < 0,05$, ** – $p < 0,01$, *** – $p < 0,001$ метаболик синдромсиз беморлар гуруҳига нисбатан статистик аҳамиятли.


Қоннинг липид спектрини баҳолашдан олинган маълумотларга кўра метаболик синдромли СБКга чалинган беморларга нисбатан метаболик синдромсиз СБК билан оғриган беморларда умумий холестерин миқдори ишончли паст бўлди ($p < 0,05$).

СРО ва IL – 6 концентрациясининг ренал дисфункция оғирлик даражаси асосий кўрсаткичлари билан статистик аҳамиятли бевосита корреляция мавжудлиги аниқланди. Яллиғланиш олди омиллари таркиби билан КФТ тезлиги, СБК босқичи ва камқонликнинг яққоллиги ўртасида жуда яқин корреляция аниқланди. Текширилган беморларда СРО концентрацияси ва СБК давомийлиги ўртасида ўртача корреляцион алоқа мавжудлиги кузатилди. КФТнинг пасайиши СРО, IL – 6 ва IL – 10 нинг ошиши билан бирга кузатилиши қайд этилди (3–4-расмлар).

IL – 10 ва КФТ ($r = 0,21$, $p < 0,05$), IL – 6 ва СРО ($r = 0,48$, $p < 0,05$), IL – 6 ва IL – 10 ($r = 0,43$, $p < 0,05$) даражалари ўртасида манфий корреляция аниқланди.



3-расм. Метаболик синдромли/синдромсиз СБК билан оғриган беморларда биомаркерлар таркиби.



4-расм. Метаболик синдромли ва метаболик синдромсиз СБК билан оғриган беморларда яллиғланиш маркерлари.

Метаболик синдромли СБКга чалинган беморлар гуруҳида ПЗЛП ва ТГ каби липидограмма кўрсаткичлари аҳамиятли юқори бўлди ($p < 0,05$). Уларда қоннинг липид спектри кўрсаткичларида аниқланган ўзгаришлар, эҳтимол, бир томондан, липаза ишлаб чиқаришдаги нуқсон билан, иккинчи томондан, эндотелиал дисфункциянинг мавжудлиги оқибатида ошқозон ости безининг ташқи секретор етишмовчилиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ўрганилган гуруҳларда ЮЗЛП даражаси бўйича ишончли фарқлар аниқланмади (8-жадвал).

Метаболик синдром ва йўғон ичак дисбиози бўлган СБК мавжуд беморларда қон липид спектрининг бошланғич кўрсаткичлари

Қоннинг липид спектри кўрсаткичлари ммоль/л	Метаболик синдромсиз СБК билан оғриган беморлар (n=58)	Метаболик синдромли СБК билан оғриган беморлар (n=62)
Триглицеридлар,	2,87 ± 0,03**	1,42 ± 0,04
Умумий холестерин	6,86 ± 0,15**	5,29 ± 0,14
ЮЗЛП	1 ± 0,03**	1,17 ± 0,05
ПЗЛП ХС	4,63 ± 0,06	4,56 ± 0,08
ЖПЗЛП ХС	1,4 ± 0,02	1,32 ± 0,03

Изоҳ: * – p<0,05, ** – p<0,01, *** – p<0,001 метаболик синдромсиз беморлар гуруҳига нисбатан статистик аҳамиятли. ЮЗЛП – юқори зичликдаги липопротеидлар; ПЗЛП – паст зичликдаги липопротеидлар; ЖПЗЛП – жуда паст зичликдаги липопротеидлар.

Қондаги глюкоза ва гликирланган гемоглобин кўрсаткичлари метаболик синдромли СБКга чалинган беморлар гуруҳида устунлик қилган ҳолда биринчи ва иккинчи гуруҳдаги СБК билан оғриган беморлар ўртасида статистик аҳамиятли фарқларга эга бўлди. Шундай қилиб, метаболик синдромсиз СБК билан оғриган беморлардан оч қоринга олинган қондаги глюкоза миқдори ўртача 6,31±0,12 ммоль/л, гликирланган гемоглобин эса 5,61±0,12% ни ташкил этди. Метаболик синдромли СБКга чалинган беморлар гуруҳида қондаги глюкоза миқдори 6,5±0,12 ммоль/л, гликирланган гемоглобин эса 5,59±0,09% га тенг бўлди (9-жадвал).

Метаболик синдром ва йўғон ичак дисбиози билан кечган СБКга чалинган беморларда углевод алмашинувининг бошланғич кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Метаболик синдромсиз СБК билан оғриган беморлар (n=58)	Метаболик синдромли СБК билан оғриган беморлар (n=62)
Глюкоза, ммоль/л	6,31±0,12	6,5±0,12
HbA1c,%	5,61±0,12	5,59±0,09

Организмда оқсил алмашинуви индикаторларидан бири ҳисобланган умумий оқсил кўрсаткичлари СБК билан оғриган беморларнинг биринчи ва иккинчи гуруҳларида статистик жиҳатдан фарқланмади. Қондаги умумий оқсилнинг ўртача миқдори метаболик синдромсиз СБК бўлган беморларда – 68,5±1,4 г/л, метаболик синдромсизларда эса – 68,9±1,2 г/л ни ташкил этди (10-жадвал).

Метаболик синдром ва йўғон ичак дисбиози билан СБКга чалинган беморларда умумий оқсилнинг бошланғич кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Метаболик синдромсиз СБК бўлган беморлар (n=58)	Метаболик синдромли СБК бўлган беморлар (n=62)
Умумий оқсил, г/л	68,5±1,4	68,9±1,2

11-жадвалда метаболик синдромнинг мавжудлиги ёки йўқлигини ҳисобга олган ҳолда СБК билан текширилаётган беморларда копрологик тадқиқот натижаларига асосан нажас кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили келтирилган.

11-жадвал

Тадқиқот гуруҳларидаги беморларни копрологик текшириш натижалари

Кўрсаткичлар	Метаболик синдромсиз СБК бўлган беморлар (n=58)	Метаболик синдром билан СБК бўлган беморлар (n=62)
Ўзгарган мушак толалари (баллар)	0,497±0,008	2,998±0,056***
Ўзгармаган мушак толалари (баллар)	0,301±0,006	0,7±0,014***
Ҳазм қилинган ўсимлик толаси (баллар)	0,104±0,002	2±0,034***
Ҳазм қилинмаган ўсимлик толаси (баллар)	0,081±0,002	2,003±0,039***
Ҳужайра ичидаги крахмал, баллар	0,099±0,002	2,003±0,037***
Ҳужайра ташқарисидаги крахмал (баллар)	0,067±0,001	2,8±0,054***
Ёғ кислоталари (баллар)	0,051±0,001	0,01±0***
Совун (баллар)	0,01±0	0,301±0,007***
Нейтрал ёғлар (баллар)	0,099±0,002	3,004±0,058***
Шиллик (баллар)	0,021±0,001	0,1±0,002***

Изоҳ: * – $p < 0,05$, ** – $p < 0,01$, *** – $p < 0,001$ метаболик синдромсиз беморлар гуруҳига нисбатан статистик аҳамиятли.

Олинган натижалар тадқиқ этилаётган гуруҳлар копрограмма кўрсаткичлари бўйича фарқланишини кўрсатди ($p < 0,001$). Ўзгарган ва ўзгармаган мушак толалари каби кўрсаткичлар метаболик синдромли СБКга чалинган беморларда юқори бўлди.

Ўсимлик толаси (ҳазм бўлган ва ҳазм бўлмаган) метаболик синдромли СБКга чалинган беморлар гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан кўпроқ аниқланди. Юқорида кўрсатилган фарқлар деярли мутлақ даражада топилди ($p < 0,001$). Нейтрал ёғ метаболик синдромли беморлар гуруҳида сезиларли даражада юқори ($p < 0,001$). Шунингдек, шиллик копрограммаси кўрсаткичлари ҳам метаболик синдромли беморлар гуруҳида табиий равишда юқори эканлиги аниқланди ($p < 0,001$). Бу метаболик синдромли беморларда дефекация бузилиши билан йўғон ичак шиллик қаватида, асосан, ич қотиши кўринишидаги яллиғланиш-шишли ўзгаришлар мавжудлигини кўрсатади.

Иккала гуруҳдаги беморларда нажасни копрологик текшириш асосида аниқланган хусусиятлар метаболик синдромли СБК бўлган беморлар гуруҳига кўпроқ тааллуқлидир, бу эса малдегистия синдроми намоён бўлишининг мавжудлигини кўрсатади. Ичак ҳаракати ва дефекация актининг бузилиши кузатилган метаболик синдромли беморларда ошқозон ости беши экзокрин етишмовчилиги мавжудлиги тахмин қилинади.

Метаболик синдромли СБКга чалинган беморлар нажасини бактериологик текшириш натижалари

Мезонлар		1-даражали дисбактериоз	2-даражали дисбактериоз	3-даражали дисбактериоз
СБК– мета- болик синдром- ли	Бифидобактерия	18%	55%	27%
	Лактобактерия	21%	51%	28%
	Ичак таёқчаси	18%	46%	36%
	Шартли патоген микрофлора	19%	43%	38%


Метаболик синдромли ва синдромсиз беморлар гуруҳлари анъанавий бактериологик текширилганда иккала гуруҳдаги СБКга чалинган беморларнинг кўпчилигида нормобиота вакиллари – бифидо, лакто-, пропион- ва эубактерияларнинг миқдорий кўрсаткичлари пасайиши кузатилди. СБК билан оғриган беморларнинг ўрганилаётган босқичларида пропион бактериялар сони назорат гуруҳидаги кўрсаткичнинг 50% идан ошмади ($p < 0,05$).

Метаболик синдромсиз СБК билан оғриган беморларда нажасни бактериологик текшириш натижалари

Мезон		1-даражали дисбактериоз	2-даражали дисбактериоз	3-даражали дисбактериоз
СБК метаболик синдром	Бифидобактерия	18%	25%	57%
	Лактобактерия	21%	28%	51%
	Ичак таёқчаси	18%	33%	49%
	Шартли патоген микрофлора	19%	34%	47%

Шунга қарамасдан, анъанавий бактериологик текшириш усулидан фойдаланилганда атиги 20% ҳолатда дисбактериоз даражасини аниқлаш ҳамда ҳақиқатда мавжуд микробларни экиш мумкин бўлади. Қолган 80% микроорганизмлар соф шаклда етиштирилмайди, ёки атроф-муҳит шароитлари тўғри танланмайди. Шунинг учун тадқиқотнинг кейинги босқичида клиник амалиётда ҳанузгача кенг қўлланишда бўлмаган нажас масспектрометрияси усулидан фойдаланилди.

